СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чикиши № 251 (12.000) | Чоршанба, 25 октябрь 1961 йил | Баҳоси 2 тийин.

Социалистик тузум кучи ва енгилмаслигининг манбаи, коммунизм қуришда янги муваффақиятлар гарови бўлган партия билан халқнинг бузилмас бирлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

(«КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари»дан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

23 октябрда Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз ишини давом эттирди.

Кечки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар самимий кутиб олган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари — Жазоир Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ларби Бухали, Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари ўртоқ Луис Корвалан, Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитетининг бош секретари ўртоқ Жон Голлан, Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Салом Одил, Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Алваро Куньял, Австрия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ Иоганн Копленинг съездни табрикладилар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Мажлисда ўртоқ **В. П. Мжаванадзе** раислик қилди.

Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ **Сандзо Носака** КПСС XXII съездини табриклаб нутк сўзлади.

Улуғ Ленин барпо қилган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлигида, деди ўртоқ С. Носака, совет халқи жуда кўп синовлардан ўтди, коммунистик жамият асосларини вужудга келтиришда ажойиб муваффақиятларга эришди ҳамда бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ва халкларнинг озодлик курашига ёрдам кўрсатиш ишида жуда катта роль ўйнади.

Бундан 22 йил муқаддам, деб давом қилди нотиқ, мен КПСС нинг XVIII съездида қатнашишга муяссар бўлган эдим. Совет Иттифоқининг ўша йиллардаги аҳволини ҳозирги аҳволи билан, ўша съездни ҳозирги съезд билан таққослаб караганингда, шундан бери бутун бир давр ўтганлигини беихтиёр ҳис киласан, киши. Ўша вақтда социализм қуриш асосий вазифа эди, коммунизм қуриш масалалари эса бевосита вазифа қилиб қўйилмаган эди. Эндиликда эса XXII съезд коммунизм қуриш масаласини конкрет муҳокама қилмоқда.

Ҳозирги вақтда ҳатто коммунизм душманлари ҳам Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагернинг тўхтовсиз ўсиб ва кучайиб бораётганлигини эътироф қилишга мажбур бўлдилар.

Бирок, бизнинг кўз олдимизда бўлаётган воқеалар Америка империализми бошчилигидаги жаҳон реакциясининг кучлари тарихнинг боришини орқага буришга уриниб, ҳар қандай номуносиб воситаларни ишлатаётганликларини кўрсатиб турибди. Бу кучлар социалистик лагерга ва капиталистик дунёнинг халкларига қарши янги ҳужумни авж олдирмоқдалар.

Япония ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасида чинакам дўстлик ўрнатилишига тўсқинлик қилишга уринаётган Америка-Япония ҳукмрон доираларининг кирдикорларига қарши кескин ва изчил курашиб келган ва кураш олиб бораётган Япония Коммунистик партияси келгусида бу курашни тағин ҳам кўпроқ кучайтиришга қаттиқ бел боғлагандир.

Япония Коммунистик партияси ва мамлакатимизнинг демократик кучлари икки мингталан кўпроқ биргаликда курашиш ташкилотлари туздилар. Бу ташкилотлар Япониянинг бир неча миллион меҳнаткашларини ягона фронт қилиб жипслаштирди ва ҳарбий иттифоқ тўғрисидаги Япония-Америка шартномасига қарши курашишни кенг микёсда авж олдириб юборди.

Бизнинг партиямиз Сэн Катаяма негиз солган революцион традицияларни давом эттириб, бу курашда чиникди ва ўсди. Унинг сафлари кейинги икки йил ичида икки баравардан зиёдрок кўпайди. Партиянинг ишчилар синфи орасидаги таъсири айникса кучайди. Бизнинг партиямиз раҳбарлигида иш олиб бораётган демократик ёшлар иттифоқининг сони кейинги уч йил ичида ўттиз баравардан зиёдрок кўпайди.

Пировардида ўртоқ Носака бундай деди:

— 1957 йилдаги Москва Декларацияси ва 1960 йилдаги Москва Баёноти белгилаб берган асосий кўрсатмаларга мувофиқ, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш асосида умумий ишимизнинг ғалабаси сари, олға!

АҚШ Коммунистик партияси Миллий комитетининг раиси ўртоқ **Элизабет Гэрли Флинн** ўз партиясининг ҳамма аъзолари, партия Миллий комитети ва бош секретари ўртоқ Гэс Холл номидан, Америка Кўшма Штатларидаги Совет Иттифоқининг дўстлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини табриклайди. У, Совет Иттифоқида коммунизм қуришнинг улуғвор Программаси муваффақиятли равишда амалга оширилади, деб ишонч билдиради.

Коммунистик партияларнинг улуғ оиласида, дейди ўртоқ Э. Флинн, бизнинг партиямиз унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин у жаҳон империализмининг қалъаси ичида кураш олиб бормоқда. Биз бу съездда барча қардош партияларнинг вакиллари билан бирга қатнашаётганлигимиз билан фахрланамиз ва бахтиёрмиз. Биз қардош партияларни табриклаймиз ва уларга ўзимизнинг бирдамлик туйғуларимизни изҳор киламиз. Коммунистик ҳаракатнинг халқаро бирдамлигига путур етказаётган Албания меҳнат партияси раҳбарлигининг позициясини коралаймиз.

АҚШ империалистик доираларининг агрессив тахдидларига карамай, Ғарбий ярим шарда биринчи бўлиб дадиллик ва қатъият билан социализм йўлига тушиб олган кубалик ўртоқларимизни табриклаётганлигимиз билан, деди ўртоқ Э. Флинн, бенихоя бахтиёрмиз.

Америка халқи, дейди ўртоқ Э. Флинн, ядро урушини хоҳламайди, у ўз ҳуқуматидан халқаро кескинликни юмшатиш, Ғарбий Берлин проблемасини окилона бартараф қилиш чораларини кўришини кутади. Халқимизнинг кенг табакалари Совет Иттифоқи тинчлик учун курашаётганлигини тушунади. Америка коммунистлари ўз мамлакатини ва ўз халкини севади, лекин улар капитализмнинг ашаддий душманларидир. Америка халкини талаётган ва бошка мамлакатлар халкларининг бойликларини босиб олаётган очкўз монополиялар асоратидан мамлакатни озод қилиш ишига содик бўлган чинакам ватанпарварлардир.

Бизнинг партиямиз АҚШдаги негр аҳолининг тенг ҳуқуқли бўлиши учун, касаба союзларининг ҳуқуқлари учун, тинчлик ва социализм учун курашувчиларнинг ҳамиша биринчи сафларида борди. Партиямизнинг атоқли қаҳрамонларидан бири, бизнинг делегациямизнинг аъзоси — ўртоқ Генри Уинстон узоқ вақт тюрьмада ётган ва маъмурларнинг жиноятқорона муомаласи натижасида кўздан ажралган. У тюрьмадан қутулганидан кейин Америка матбуотининг вакилларига: кўзим кўрмайдиган бўлиб қолса ҳам, лекин мен сиёсий кўр бўлганим йўқ, деди. (Съезд делегатлари Генри Уинстонни қизғин табриклайдилар).

Сизларнинг съездингиз бутун дунёдаги мазлум халклар учун машъалдир. Бу съезд цивилизациянинг янги даврини очиб беради. КПСС Программаси босқинчи милитарист эксплуататор капиталистларнинг сафларини ваҳимага солмоқда, деди ўртоқ Э.Флинн. Бутун дунёда ишчилар синфининг ғалабаси сари, олға!

Ўртоқ Флинн съезд президиумига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга Америка Кўшма Штатлари Коммунистик партияси Миллий Комитетининг КПСС XXII съездига табрикномасини топширади.

Германия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ **Макс Рейман** шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди делегатларини ва улар орқали СССР халкларининг бутун кўп миллионли оиласини — коммунизм курувчиларни табриклайди. У айтадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партияларнинг авангардидир, бу партияларнинг бирлиги ва жипслиги бутун дунёда тинчлик ва социализм ғалабасининг гаровидир. Шу сабабли, дейди нотиқ, жаҳон коммунистик ҳаракатининг олий принципларини кўпол равишда бузаётган Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг позициясини қатъий суратда коралаймиз.

Ғарбий Германиядаги милитаристлар ва реваншчилар, деб давом килади ўртоқ Макс Рейман, иккинчи жаҳон урушидаги ўз маглубиятларидан келиб чиккан натижаларни Ғарб империалистик давлатлари ёрдами билан бекор қилишни умид этиб, Германия Демократик Республикасига қарши, Совет Иттифокига ва бошка социалистик мамлакатларга қарши урушга тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз милитаристларнинг, гитлерчи генераллар ва реваншчиларнинг кирдикорларига хотима беришни, уларнинг кўлидан уруш машъалини уриб туширишни Ғарбий Германия ишчилар синфининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаймиз.

Қадрли ўртоқлар, ушбу съездда сизлар кабул қилаётган коммунизм қуриш Программаси, дейди ўртоқ М. Рейман, бизнинг кўлимизда ҳам қудратли қурол бўлади. Бу Программа социал-демократик партиянинг ўнг раҳбарларига қарши ғоявий-сиёсий кураш олиб бориш учун, марксизм-ленинизм позициясида туриб асосий масалаларни ва Федератив Республикадаги ишчилар синфининг ролини тушунтириш учун бизга ҳамма имкониятларни беради. Бу Программа ишчиларни ва барча тинчликсевар кучларни герман империализми ва милитаризмига қарши, иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш учун ва шу асосда Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантириш учун жипслашиб ҳаракат қилишга руҳлантиради.

Пировардида нотик залдаги ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида бундай дейди: Немис коммунистлари инсоният душмани бўлган йирткич милитаризмга қарши, Германия Федератив Республикасида тинчликсевар демократик тузумни барпо этиш учун ҳамиша мардонавор кураш олиб борадилар. Бу буюк миллий курашда биз ёлғиз эмасмиз, дейди Макс Рейман, Германия Демократик Республикаси бизнинг томонимизда, қудратли жаҳон социалистик системаси бизнинг томонимизда. Бу системанинг муваффақиятлари оғир курашимизда бизга куч ва ишонч бағишламоқда.

Ўрток Рейман съезд президиумига, ўрток Н. С. Хрушчевга Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикномасини топширади.

Испания Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Долорес Ибаррури** съезд минбарига чиқади.

Ўртоқлар ва дўстлар! дейди у, Испания делегацияси Сизнинг XXII съездингизга Испания Компартиясининг самимий ва қардошлик саломини ҳамда кўп минглаб испан меҳнаткашларининг қизғин саломини топширади. Испан меҳнаткашлари ўз истикболларини, капиталистлар ва помешчиклар зулмидан холи бўладиган Испаниянинг, озод, мустақил, социалистик Испаниянинг келажагини Совет Иттифоқи билан боғлайдилар.

Нотиқ таъкидлайдики, совет халқининг буюк муваффақиятлари, коммунизмни қиска муддат ичида қуришнинг реал имконияти КПСС тарихий XX съездининг қарорлари билан чамбарчас боғлангандир.

XX съезд қарорлари, дейди Долорес Ибаррури, Коммунистик партия деган номга муносиб бўлган ҳар бир партия учун коммунистларнинг ўз хатоларини тузатишга дадиллик билан караш намунаси бўлиб, ленинизмга садокат ва социалистик революция принципларини ҳар кандай оғишлар ҳамда кўпол бузишлардан ҳимоя қилиш намунаси бўлиб ҳамиша хизмат қилмоқда. Баъзи бировлар уятли касалликларини яшириб, уни янада оғирлаштирадилар, деб давом килади у. Аммо, ленинчилар ўртасида коммунистик ҳаракатда вужудга келиши мумкин бўлган ихтилофларни яшириш одати йўқ экан, биз Албания Меҳнат партияси раҳбарларининг тутаётган позицияси коммунистлар, марксчи-ленинчилар номига тўғри келмайди, деб айтишга журъат этамиз.

Испания Коммунистик партиясининг раиси коммунизм қуришнинг янги Программасини жаҳон пролетариатининг хаёт ва умид кўшиғи деб характерлайди. Бу Программанинг амалга оширилиши инсониятнинг коммунистик жамият йўлидаги янги босқичини нишонлайди. Сиз кабул киладиган Программа, дейди нотик, сизнинг коммунизм қуриш байроғингиз бўлибгина колмай, шу билан бирга бизнинг ҳам байроғимиздир, социализм даврида коммунистик ҳаракат ва халкаро ишчилар синфининг ҳам байроғи ва программасидир. Капитализм вужудга келган даврда Маркс ва Энгельснинг Коммунистик манифести кандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бу Программа ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

— Ўртоқ Хрушчев, — дейди Долорес Ибаррури, — биз Сизнинг совет фани ва техникаси эришган буюк ютуқлар ҳақидаги, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида совет халкининг жуда кўп ғалабалари тўғрисидаги илҳомбахш докладларингизни тинглаганимизда совет халкидан ва унинг ленинчи партиясидан, шу ўзгартишларнинг шонли ижодкорларидан чин қалбимиздан миннатдор бўлдик ва Испания ҳақида ўйладик. Биз фашизмга қарши курашда бир миллиондан ортик кишисини қурбон берган ва ўз курашини ҳамон давом эттириши лозим бўлган қаҳрамон ва жанговар халқимиз ҳақида, вафодорлик ва фидокорлик намунаси бўлган хотин-қизларимиз тўғрисида, ҳар қандай ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, шафқатсиз эксплуатация қурбони бўлаётган ишчилар синфимиз ҳақида ўйладик, тер тўкиш ва азоб-уқубат чекиш эвазига гектаридан 4 центнердан 6 центнергача буғдой ҳосили олиш учун офтобда қовжираб ётган бир парча ерда ишлаётган деҳқоиларимиз тўғрисида ўйладик. Ўз билак кучини сотмоқчи бўлиб вилоятма вилоят кўчиб юрган минглаб қишлоқ хўжалиги ишчилари тўғрисида ўйладик. Биз икки ёқлама — ҳам диний, ҳам фашизм цензураси остида эзилиб, Франко ва унинг епископ ва генералларидан иборат тўдасига нисбатан ўз нафрати ва қаҳр-ғазабини яшириш учун Эзоп тили билан ёзишга мажбур бўлаётган интеллигенция тўғрисида ўйладик.

Америка базалари ҳам, немис реваншчиларининг Франкони қўллаб-қувватлаши ҳам Франконинг қулашини ва рўёбга чиқиш йўлини қидириб испан жамиятида қайнаб турган демократик революция тараққиётини тўхтатиб қололмаслиги тўғрисида ҳам ўйладик.

— Империалистик агрессорларнинг мамлакатимиздан атом трамплини сифатида фойдаланишларига халакит бериш учун хушёр бўламиз, дейди сўзининг охирида Долорес Ибаррури. XXII съездга ваъдамиз ана шу ва биз, испан коммунистлари халқимиз олдидаги, халқаро коммунистик ҳаракат олдидаги ўз бурчимизни бажарамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Н. С. Хрушчевнинг «КПСС Программаси тўғрисида»ги доклади тексти брошюра бўлиб чиқди

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXII съездида «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси тўғрисида»ги доклади текстини брошюра қилиб чиқарди.

Брошюра беш миллион нусха тираж билан чиқарилди. (ТАСС).







МОСКВА. СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ. СУРАТЛАРДА: 1. Белоруссия ССРдан келган съезд делегатлари Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури билан суҳбатлашмоқдалар. 2. Олдинги қаторда: авиаконструкторлар А. И. Микоян ва А. С. Яковлев ўртоқлар. 3. Чапдан ўнгга: Киев область заводининг аппаратчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Трухан, донгдор шахтёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Я. Мамай, граждан ҳаво флоти Одесса аэропорти командири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Ф. Саломатина ўртоқлар. В. Соболев, В. Савостьянов, В. Егоров ва Н. Ситников фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи бетда)

Финляндия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **Вилле Песси** КПСС XXII съездининг оламшумул-тарихий аҳамияти ҳақида, бу съезд ҳозир бутун дунёнинг эътибор марказида турганлиги тўғрисида гапиради. Бу факт, деб таъкидлайди ўртоқ В. Песси, сизларнинг партиянгизнинг ва бутун совет халқининг кучидан, коммунизм қураётган Совет Иттифоқининг дунёдаги барча халқлар ўртасида обрў қозонганлигидан далолат беради. Бу факт, шунингдек халқаро майдондаги кучлар нисбатида ўртоқ Н. С. Хрушчев айтган ўзгаришлар юз берганидан далолат беради. Биз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг социализм лагери ва бутун халқаро коммунистик ҳаракат эришган катта ютуқларга берган чуқур ва тўғри баҳосига батамом қўшиламиз.

Шунингдек, биз, деб давом этади нотиқ, Албания меҳнат партиясининг раҳбарлари марксизм-ленинизмга ёт позицияни эгалладилар ва коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари кенгашининг бундан бир йил илгари имзоланган қарорларидан қатъиян тойиб кетдилар, деган фикрга қўшиламиз.

Сўнгра ўртоқ В. Песси КПСС янги Программаси проектининг халқаро революцион ҳаракат учун аҳамиятини характерлаб берди. Бу Программа, дейди В. Песси, халқаро коммунистик ҳаракат бораётган, барча халқлар тинчлик ва демократия учун, меҳнаткашларнинг порлоқ келажаги учун, социализм учун кураш олиб бораётган тараққиёт йўлининг қонуниятларини акс эттиради.

Нотиқ айтадики, Совет Иттифоқи ўтказаётган тинч-тотув яшаш сиёсати, хусусан унинг Финляндияга нисбатан тутаётган сиёсати Финляндия халқи ўртасида кенг кўламда фикр туғдирмоқда.

Вилле Песси халқаро коммунистик ҳаракатнинг халқлар ўртасида тинчлик учун, социализм учун кураш учун мустаҳкам бирлиги ва бузилмас ўртоқлиги шарафига табрик сўзларини айтади.

Минбарга Вишне-Волочек ипгазлама комбинатининг бригадири **В. И. Гаганова** чиқади. У Калинин областининг барча меҳнаткашлари номидан, шахсан ўз номидан съезд делегатларини ва қадрли Никита Сергеевич Хрушчевни қизғин табриклайди. Донгдор ип йигирувчи ишончли айтадики, меҳнаткашлар съездда қабул қилинадиган қарорларни бажариш учун, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Комбинатимиз тўқимачилари, дейди нотиқ, мендан съездга меҳнат рапорти топширишни илтимос қилдилар (**В. И. Гаганова Вишне-Волочек тўқимачиларининг рапортини Н. С. Хрушчевга топширади**). Бизнинг рапортимиз, деб давом этади ўртоқ Гаганова, съездга коллективимизнинг меҳнат совғалари тўғрисидаги рапортдир. Рапортда комбинат тўқимачиларининг съезд олди мусобақасида катта ғалабага эришганликлари айтилган. Йил бошидан бери пландан ташқари 2 миллион 500 минг метр тайёр газлама ишлаб чиқарилди. Биз пландан ташқари ишлаб чиқарган газлама совет кишиларидан ярим миллиондан кўпроғини кийинтиришга етади.

Делегат съездга ўз бригадасининг мусобақаларлари ҳақида гапириб беради. Бу бригада яқинда ФЗО мактабини тамомлаб чиққан кам тажрибали қизлардан ўтган йили ташкил топган эди. Мен ана шу янги бригадада ишлашга ўтдим, дейди ўртоқ Гаганова. Мен бу ишни шуҳрат қозониш учун эмас, балки ишларимиз янада яхшироқ бўлсин деб ахлл, яхши, ишчан коллективни вужудга келтириш учун қилдим. Биз ҳаммамиз биргалашиб бу ишнинг удасидан чиқдик. В. И. Гаганова бригада ўз мажбуриятини бажарганлигини ва пландан ташқари 7200 килограмм йигирилган ип берганлигини съездга маълум қилади.

Ўртоқ Гаганова ўз бригадасининг съезд делегати шахтёр Н. Я. Мамай бригадаси билан мусобақаси тўғрисида гапириб беради. Николай Яковлевич ўз ўртоқлари билан пландан ташқари эшелон-эшелон кўмир бермоқда. Биз, ип йигирувчилар эса, пландан ташқари маҳсулотни тонналар билан ҳисобламоқдамиз. Бизларнинг меҳнат натижаларимиз турлича ҳисобланса ҳам, мақсадимиз битта — у ҳам бўлса халқимизга кўпроқ маҳсулот беришдир. Халқимизга пландан ташқари эшелонлаб кўмир ҳам, пландан ташқари тонналаб йигирилган ип ҳам керак. Ўртоқ Мамай бригадаси билан мусобақани давом эттирмоқдамиз ва биз, тўқимачилар биринчиликни қўлдан бериш ниятида эмасмиз. Совет хотин-қизлари эркаклардан қолишмасдан ишлаб олишларини неча марталаб исботлаганлар.

Тўқимачилар Программа проектини ўрганиш вақтида шу нарсани яхши тушунib олдиларки, бу тарихий ҳужжатда баён қилинган коммунизм қурилиши ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди. Коммунизм қуриш — халқ қўлидан, унинг куч-ғайрати, унинг ақл-идроки билан қилинадиган ишдир. Шу сабабли Программа проектини ўрганиш ва муҳокама қилиш жараёнида эркин ва ёпиқ ишчиларнинг активлиги ва ижоди янада юксак даражага кўтарилганлиги бежиз эмас. Ўртоқ Гаганова меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган янги ташаббуслар ҳақида гапиради. Ҳозир бизнинг ип йигириш корхоналаримиз умуман, меҳнатга ҳақ тўлашга нисбатан, меҳнат унумдорлигини анча ошириб ишламоқда. Бироқ шуни эътироф этиш керакки, биз ҳали ҳам мавжуд резервлардан етарли фойдаланмаётирмиз. Шу сабабли ёш коммунист Женя Степанова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги, янада юксак суръатларига эришиш учун мусобақа ташаббускори бўлди ва ҳозироқ бу соҳада муваффақиятларга эришди. Комбинатда кўпгина кишилар Степанованинг ташаббусига қўшилдилар.

«Красний Май» ойна заводида ҳамда шаҳар ва райондаги бошқа корхоналарда ёш коммунист Галина Пушкованинг ташаббуси ёйилмоқда. Галина Пушкова ўз нормасининг оширилишини таклиф қилди, чунки у ўша вақтда мавжуд бўлган нормалар талаб қилганидан кўра кўпроқ иш қила олишини сезган эди. Бу мисоллар Программа проектида баён қилинган коммунизм қурувчиларининг ҳалқ кодекси принципларига риоя қилиш — совет кишисининг ҳаётида, ишида бугуноқ асосий нарса бўлиб қолганлигининг ишончли далилидир.

В. И. Гаганова айтадики, совет кишилари Марказий Комитетнинг ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевнинг фаолиятини қизғин маъқуллайдилар, КПСС Программаси проектини чин кўнгилдан табриклайдилар. Биз, оддий ишчилар, барча совет кишилари, дейди ўртоқ Гаганова, партияга қарши группага, унинг барча қатнашчиларига лаънат ўқиймиз. Совет кишилари партиямизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги Программа проектида баён қилинган йўлини қизғин маъқулламоқдалар. Совет кишиларига тинчлик керак, болаларни осойишталик билан ўстириш, осойишталик билан яшаш, эрталаб осойишталик билан ишга бориш ва кечаси осойишталик билан ётишга бош қўйиш учун тинчлик керак. Хиросима фожиаси ҳеч қачон такрорланмасин! Дунё устида уруш ракеталари эмас, балки фан ракеталари учиб юрсин.

РСФСР Министрлар Советининг раиси ўртоқ **Д. С. Полянскийга** сўз берилади.

Марказий Комитетнинг ҳисоботи, деди у, совет халқининг ажойиб ғалабаларини, партиямиз, мамлакатимиз тутган ленинча йўлининг тўғрилигини ёрқин ифодалаб берди. Энди халқ Совет Иттифоқи ҳозирги замоннинг энг қудратли кучига айланди, халқаро миқёсда жуда катта обрў қозонди. Бизнинг Ватанимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармокларини ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ва маданиятини оширишда, ўзининг мудофаа кобилиятини мустаҳкамлашда жуда олга ўтиб кетди. Мана шу мустаҳкам негиздагина коммунистик жамият қуриш реал амалий вазифа бўлиб қолди. Марказий Комитет коммунистик жамият қуриш методларини назарий жиҳатдан асослаб берди, социализмдан коммунизмга ўтишнинг равшан йўлини кўрсатиб берди.

Ленинизм коммунизм тўғрисидаги орзуларни ва фикрларни партиянинг янги Программасида ўз ифодасини топди. Бу Программа янги илҳомбахш фикрларни туғдирмоқда. шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари партиянинг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш тўғрисидаги чақириғига янги шонли ишлар билан жавоб бермоқдалар.

Россия Федерациясининг меҳнаткашлари бу Программани амалга оширишга анча ҳисса қўшадилар. Ўртоқ Полянский яқин йигирма йил ичида экономикани ривожлантиришнинг улуғвор перспективаларини бажариш соҳасида республикада хўжалик ва совет қурилиши масалаларига батафсил тўхталиб ўтди. У, қуйидаги ёрқин рақамларни айтиб берди. Россияда ёқилғи билан ишлайдиган 300 дан кўпроқ катта электростанция ва гидроэлектростанция қурилади, электр энергия ишлаб чиқариш ўн баравар кўпайиб, икки триллион киловатт-соатга етказилади, нефть чиқариш тўрт баравардан зиёдроқ, газ чиқариш 14 баравар, пўлат ишлаб чиқариш тўрт баравар кўпайтирилади, қора металлургия АҚШдаги бутун металлургиянинг ҳозирги даражасидан 1.7 баравар ошиб кетади.

Кимё саноати ғоят тез суръатлар билан ривожлантирилади. Бу саноатнинг маҳсулоти 12-13 баравар кўпаяди. Машинасозлик ғоят кенг миқёсда ривожлантирилади.

Республика етти йиллик планни муддатидан олдин бажаради, деб айтиш учун асослар бор. Мамлакат пландан ташқари тахминан 13 миллион тонна пўлат, 10 миллион тонна прокат, 30 миллион тонна нефть олади.

Ўртоқ Полянский саноат ва қурилишга киритиладиган раҳбарлик кадрларини очиб ташлаб айтдики, турмуш планларини илмий жиҳатдан асослаш даражасини оширишни талаб қилмоқда. Ҳар бир корхона ва қурилишнинг, халқ хўжалиги кенгаши, министрлик ва бошқармаларнинг ишини пухта анализ қилиб чиқиш фойдаланилмасдан ётган янги имкониятларни топишга ёрдам беради.

Ўртоқ Полянский қурилиш проблемаларига тўхтб дедики, гарчи ҳозир биз илгари вақтлардагига қараганда яхширок ва тез қураётган бўлсак ҳам, лекин бу ишда катта камчиликлар бор. Қурилиш базаси анча орқада қолмоқда, баъзи халқ хўжалиги кенгашлари берилган маблағларни ўзлаштиролмаётирлар. Шу билан бирга, кўпгина маҳаллий ҳодимлар янги объектлар учун берилаётган маблағларни кўпайтиришга ҳаддан ташқари зўр бериб ҳаракат қиладилар, аммо ишга тушириладиган ва етакчи қурилишларни битказишга жиддий эътибор бермайдилар. Мана шулардир ҳаммаси маблағлар, материаллар ва меҳнат ресурсларининг жуда кўп объектларга сочиб юборилишига сабаб бўлади, қурилиш суръатларини сусайтириб юборади.

Ҳозир республикада, дейди ўртоқ Полянский, қурилиш базасини тез ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Бу чоралар маблағларнинг сочиб юборилишини йўқотишга ҳамда ишга туширилаётган ва етакчи қурилишларни тезроқ битказиб олишга, қурилиш қийматини камайтиришга ва унинг сифатини оширишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш имкониятларидан фойдаланишга ёрдам беради.

Россия Федерацияси бутун асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ярмидан кўпроғини етказиб бермоқда. 1953 йилдан кейин, дейди ўртоқ Полянский, республика дон, гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни бир ярим баравардан зиёдроқ кўпайтирди. Кейинги йилларда партия ва ҳукумат РСФСР қишлоқ хўжалигига сарфланаётган капитал маблағларни уч баравар кўпайтирдилар. Ҳар йили колхозлар ва совхозлар 80 мингга яқин янги трактор, 40 минг комбайн ва бошқа кўпгина машиналар олмоқдалар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Бу нарса кўп областларнинг анчагина муваффақиятлар қозонишларига имконият берди. Бироқ, — дейди ўртоқ Полянский, — давлат ва совет халқи олдида ўз мажбуриятларини йиллан-йилга бажармай келаётган областлар оз эмас. Ўртоқ Полянский бунинг сабабларини анализ қилиб, Федерациянинг бир канча районларида ердан ёмон фойдаланилаётганлиги бу сабабларнинг энг каттасидир, дейди. Шу районлар учун умумий бўлган хусусият шуки, бу зонада деҳончиликнинг ўт-дала системаси алохида зўр бериб жорий қилиниб келди. Бу система хўжаликка катта зарар етказмоқда, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда, олга боришга халақит бермоқда.

КПСС Марказий Комитети ижодий фан мувaффақиятларига, илғорлар практикасига таяниб, ўт-дала системасини шаблон тарзда татбиқ қилишнинг зарарларини чуқур ва ҳар томонлама очиб ташлади, ердан ҳўжасизларча фойдаланишни қоралади, экин майдонларининг структурасини тубдан ўзгартиришни ва, аввало, маккажўхори экишни кенгайтиришни талаб қилди. Ҳозир биз, деди ўртоқ Полянский, мана шу йўлда катта иш олиб бормоқдамиз ва якин вақтлар ичида яхши натижаларни қўлга киритишимизга аминмиз.

Нотиқ айтдики, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ва республика Министрлар Совети область, ўлка ва республика ташкилотлари билан биргаликда, экин майдонларининг структурасини яхшилаш чораларини ишлаб чиқдилар. Бу йилнинг ўзидаёқ тоза шудгорларни ва ўт экишни кўмайтириш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон экиладиган майдонни 6 миллион гектар, шу жумладан дуккакли дон экинлари экиладиган майдонни 3.5 миллион гектар кўпайтирмоқчимиз. Дон олиш учун экиладиган маккажўхори майдони қарийб тўрт миллион гектарга етказилади. Бу нарса дон ва ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришга имкон беради. Республика қишлоқ хўжалигининг резервлари жуда катта. Биз келгуси йилларда 12 миллиард пуд дон — ҳозир бутун мамлакатда етиштирилаётганига қараганда бир ярим баравар кўп дон етиштиришимиз, ҳар йили давлатга 4-5 миллиард пуд галла сотадиган бўлиб қолишимиз мумкин ва лозим. Бу ишни ва мураккаб вазифа бўлса ҳам, лекин буни бажариш қўлимиздан келади.

Ўртоқ Полянский уқтириб айтдики, қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини кенг миқёсда юксалтириш бир-бири билан маҳкам боғланган икки асосий вазифани — аҳоли учун юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун хом ашёни мўл-кўл қилишга эришиш ҳамда қишлоғимизнинг коммунистик индустриал жиҳатдан асосланган ривожланишини муносабатларга аста-секин ўтишини таъминлаш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни асосан тугатиш вазифаларини ҳал қилишга имкон беради.

Ўртоқ Полянскийнинг нутқида республика ва маҳаллий давлат ва хўжалик бошқарув органларининг фаолияти, бу органларда демократик асосларни ва ижтимоий асосларни ривожлантириш масалаларига катта ўрин берилди. Аппаратни такомиллаштириш, деди нотиқ, кадрларни тўғри танлаш, уларни моҳирлик билан жой-жойига қўйиб ишлатиш ва тарбиялаш билан чамбарчас боғланган ишдир. Раҳбарнинг шахсий фазилатларига, сиёсий ва амалий сифатларига, ташкилотчилик қобилиятларига, дейди нотиқ, корхона ва муассаса ишининг объектив натижаларига қараб баҳо берилиши лозим. Афсуски, одамларнинг ҳаммасида ҳам жуда яшовчан шундай категорияси борки, дейди ўртоқ Полянский, улар ишни доимо бардош қила берсалар ҳам, лекин ишга ўхшаш одамларни ҳам, деган ишга ўхшаш одамларни ҳам, деган ишга ўхшаш одамларни ҳам, деган

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда)

қаҳрамон қардош мамлакатга қараши янги агрессия тайёрламоқдалар. Лекин улар эҳтиёт бўлсинлар. Латин Америкаси халқлари қўл қовуштириб ўтирмаётирлар. Пабло Неруда сўзи билан айтганда, агар империалистлар Кубани бўғишига яна уринсалар, қитъанинг ҳамма жойида Сьерра-Маэстра аланғаси ловуллаб кетади.

Яшасин Куба революцияси ва Латин Америкасидаги ҳамма халқларнинг ўз миллий мустақиллиги учун олиб бораётган кураши!

Яшасин тинчлик ва социализм! — деб хитоб қилади Луис Корвалан съезд қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари остида.

Буюк Британия Коммунистик партияси Ижроия комитетининг бош секретари ўртоқ **Жон Голлан** КПСС XXII съездини гоят тўлқинлантирувчи воқеа, деб атайди. У, коммунистик жамият қуришнинг ажойиб плани ҳақида гапириб дедики, инсониятнинг бутун тарихи давомида бундай планни амалга ошириш мумкин бўлмаган эди. Меҳнаткашлар учун маъмурчилик ва мўлчилик вужудга келтириш истиқболи ҳеч қачон ҳозирги кундагидек равшан, ёрқин ва яқин бўлиб қолмаган эди. Сизларнинг съездингиз, деди нотиқ, бизлар учун янги даврни бошлаб беради. Бу нарса ҳамма меҳнаткашларнинг қалбини нақадар зўр умидлар, нақадар зўр қувонч билан тўлдиради! Съезд жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги коммунистларга янги куч бағишлайди. Жаҳондаги коммунистлар эндиликда худди шу мақсадни кўзбўя чиқармоқ учун ҳар қачондагига қараганда кўпроқ ғайрат билан курашадилар.

Ўртоқ Ж. Голлан Англияни ҳалокатли ядро иттифоқи орқали НАТО билан боғлаб қўйган консерваторлар ҳукуматининг сиёсати тўғрисида, бу иттифоқда АҚШ ва Ғарбий Германия Англиянинг шериклари бўлиб қолганлиги ҳақида гапирди. Бу сиёсат, — деди нотиқ, — Буюк Британиянинг хавфсизлигига ва келажагига хиёнат қилиш сиёсатидир, фойда олишни ҳамма нарсадан юқори қилиб қўйган синфнинг сиёсатидир. Лекин Англияда ядро қуролига қарши, ҳарбий базаларга қарши, уруш тайёрлаш сиёсатига қарши чиқаётган кишиларнинг сони кўпаймоқда. Тинчлик ҳаракати кенгаймоқда ва бу ҳаракат жамиятнинг ҳамма табақаларини ўз ичига олмоқда.

Англия сиёсатининг кризисга учраганлиги Англия лейбористлар партиясининг расмий программаси шарманда бўлганлигида ўз ифодасини топди. Бу сиёсат мамлакат олдида турган проблемаларни ҳеч қачон ҳал қилиб бермайди, чунки бу сиёсат бутун иқтисодий ва сиёсий қувватни ўз қўлига тўплаб олган монополияларнинг кучли ҳокимиятига кўл тегизмаётир. Фақат Коммунистик партиягина, деди ўртоқ Ж. Голлан, Англияда социализм қурилишинг амалий программасини тақдим қилди.

Биз бу ерда эшитган гапларимиздан руҳланиб, Англияга қайтиб борганимиздан кейин сизлар қилаётган ишларни, сизларнинг жуда катта планларингизни гапириб берамиз. Биз яна ҳам зўр ишончга тўлиб ватанимизга қайтамиз ва тинчликни сақлаш улуғ иши учун тағин ҳам кўпроқ ишончи билан курашамиз. Яшасин КПСС XXII съезди! Яшасин инглиз ва совет халқларининг дўстлиги! Яшасин коммунизм қурилишнинг улуғ планы!

Ирок Компартиясининг биринчи секретари ўртоқ **Салом Одил** Ирокнинг ҳамма коммунистлари ва демократлари номидан съездда сўзга чиқиб, дўст Совет Иттифоқи халқларига бахтли турмуш қуришда тағин ҳам кўпроқ муваффақиятлар тилади ва совет кишилари партиянинг янги Программасини ижодкорлик ва дадиллик билан бажаришда доимо ишончи билдирди.

Ўртоқ С. Одил КПСС нинг XX съездини тарихий съезд деб айтди. Бу съезд барча халқаро ишчилар ҳаракатига ва миллий озодлик ҳаракатига кенг истиқбол очиб берди. Нотиқ дедики, бу съезднинг қарорлари Ирок Компартиясининг турмушига ва фаолиятига барала ли таъсир ўтказди. мамлакатда миллий озодлик ҳаракатининг юксалишига ёрдам берди.

Албания оҳбарларининг ҳаракатлари, деди С. Одил, бутун жонли ва ижодий ишларга нисбатан бўлаётган оппозициядир, пролетар интернационализмга, коммунистик идеологияга нисбатан оппозициядир. Бу оппозиция марксизм-ленинизмга бутунлай зиддир. Бизнинг партиямиз, деди ўртоқ С. Одил, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан биргаликда Албания оҳбарларининг позициясига қарши кураш олиб боради, бу гор миллатчилик позициясини фош қилиб ташлайди ва уни тор-мор келтиришга эришади.

Бизнинг партиямиз, деб давом килди нотиқ, Ирокда империализмга қарши демократик ҳаракатда актив роль ўйнамоқда. У, ҳукуматнинг империализмга, фитналарга, ҳарбий иттифоқларга ва монополистик нефть компанияларига қарши қаратилган ҳар қандай тадбирини қувватламоқда. Ўртоқ С. Одил партиянинг демократик ҳукуклар ва эркинлик учун, меҳнаткашларнинг иқтисодий талабларини қондириш ва турмуш шароитини яхшилаш учун олиб бораётган кураши ҳақида гапириб ўтди. Бу кураш халқ оммасининг онглилигини ошириб, оммани партия теварагида жипслаштиради. Партия аъзоларининг сони кейинги икки йил ичида икки ярим баравар кўпайди.

Ирок Компартияси КПСС янги Программасининг ва янги Уставининг проектларини марксизм-ленинизм назариясини ижодий ривожлантирган ҳужжатлар деб ҳисоблайди. Бу ҳужжатлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига жуда катта таъсир ўтказади, тинчлик, миллий озодлик, демократия, социализм ва коммунизм учун курашга ёрдам беради, деди Салом Одил. Нотиқ съезд ишига энг яхши муваффақиятлар тилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди янги Программани қабул қилиши янги даврнинг, коммунизм даврининг бошланиши демакдир, деди Португалия Компартиясининг бош секретари ўртоқ **Алваро Куньял**. Португалия коммунистлари ва ишчилар синфи номидан съездни қардошларча табриклаб сўзларни нутқида.

КПСС нинг янги Программаси, деб давом қилди сўнгра нотиқ, барча коммунистик партиялар фаолиятининг асосий принципларини бўлган пролетар интернационализми принципларига батамом ва тўла равишда асосланган. Миллий чекланиш ва эгоизм, буржуа миллатчилиги позицияларни социализм ва коммунизм идеалларига ёт бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга бу идеалларга тамомила зиддир. Коммунистик ва ишчи партиялар бундай позицияларга қарши қатъий ва ҳормай курош олиб боришлари, ўз сафларини пролетар интернационализмига, қардошларча бирлик ва КПСС теварагида жипслашни идеяларига содиқлик руҳида ҳаминша мустаҳкамлаб боришлари лозим. Шу муносабат билан нотиқ бундай деди: биз Албания Меҳнат партиясининг позицияси халқаро коммунистик ҳаракат манфаатларига хизмат қилмайди, деб ҳисоблаймиз ва бу партия ўз раҳбарларининг янглиш ва хатарли йўлини тузатиб олади, деб чуқур ишак билдирамиз.

Сўнгра ўртоқ Алваро Куньял айтдики, совет халқининг муваффақиятлари ва КПСС Программаси Португалия коммунистларида, ишчилар синфида, ҳамма меҳнаткашларида катта ҳурсандчилик туғдирмоқда. Бу муваффақиятлар Португалия меҳнаткашларининг фашистлар диктатурасига қарши курашига катта куч бағишлайди.

Нотиқ империалистларнинг бўёғи билан Салазар Португалияни Америка империализмининг базасига айлантирганлиги ҳақида гапириб дедики, ҳозирги пайтда Португалияниинг фашистлар диктатураси жиддий кризисга учраб турибди. Салазар демократик кучларнинг бирлигига ва ўз ҳаракатларини активлаштиришга қаршилик кўрсатмоқ учун репрессияларни тағин ҳам кўпроқ кучайтирмоқда. 35 йилдан бери чуқур подполье шароитида курашиб келаётган Португалия коммунистлари олдида оғир жанглар ва синовлар турибди.

Марксизм-ленинизм принципларига содиқ бўлган Португалия Коммунистик партияси, деди нотиқ, барча коммунистик партиялар фаолиятининг асосий принципларини бўлган пролетар интернационализми принципларига батамом ва тўла равишда асосланган. Миллий чекланиш ва эгоизм, буржуа миллатчилиги позицияларни социализм ва коммунизм идеалларига ёт бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга бу идеалларга тамомила зиддир. Коммунистик ва ишчи партиялар бундай позицияларга қарши қатъий ва ҳормай курош олиб боришлари, ўз сафларини пролетар интернационализмига, қардошларча бирлик ва КПСС теварагида жипслашни идеяларига содиқлик руҳида ҳаминша мустаҳкамлаб боришлари лозим. Шу муносабат билан нотиқ бундай деди: биз Албания Меҳнат партиясининг позицияси халқаро коммунистик ҳаракат манфаатларига хизмат қилмайди, деб ҳисоблаймиз ва бу партия ўз раҳбарларининг янглиш ва хатарли йўлини тузатиб олади, деб чуқур ишак билдирамиз.

Сўнгра ўртоқ Алваро Куньял айтдики, совет халқининг муваффақиятлари ва КПСС Программаси Португалия коммунистларида, ишчилар синфида, ҳамма меҳнаткашларида катта хурсандчилик туғдирмоқда. Бу муваффақиятлар Португалия меҳнаткашларининг фашистлар диктатурасига қарши курашига катта куч бағишлайди.

Нотиқ империалистларнинг бўёғи билан Салазар Португалияни Америка империализмининг базасига айлантирганлиги ҳақида гапириб дедики, ҳозирги пайтда Португалияниинг фашистлар диктатураси жиддий кризисга учраб турибди. Салазар демократик кучларнинг бирлигига ва ўз ҳаракатларини активлаштиришга қаршилик кўрсатмоқ учун репрессияларни тағин ҳам кўпроқ кучайтирмоқда. 35 йилдан бери чуқур подполье шароитида курашиб келаётган Португалия коммунистлари олдида оғир жанглар ва синовлар турибди.

Марксизм-ленинизм принципларига содиқ бўлган Португалия Коммунистик партияси, деди ўртоқ Алваро Куньял, демократик ва ватанпарвар кучларни бирлаштирмоқ, ишчилар синфини ва халқ оммасини тинчлик, миллий мустақиллик йўлида, Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф қилиш, Португалияда демократияни ўрнатиш йўлида курашишга сафарбар қилмоқ учун ўзининг куч ва ғайратини кўпайтиради.

Австрия Коммунистик партиясининг раиси ўртоқ **Иоганн Коплениг** табрик учун сўзга чиқиб айтдики, партиянгизнинг XXII съезди фақат Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва халқаро ишчилар ҳаракатининг тарихидагина эмас, шу билан бирга бутун инсоният тарихида ҳам жуда катта тарихий воқеадир. Бу съезд инсониятга одамни одам эксплуатация қилмайдиган, одамни одамни қириш хавфи бўлмайдиган жамият қуришнинг реал перспективаларини, бутун дунёда коммунизм галабасининг перспективаларини очиб беради.

Империалистлар зўр бериб қуролланаётган ва ҳамма жойда кескинлик манбаларини вужудга келтираётган, халқлар олдида учинчи жаҳон урушининг, дахшатли атом урушининг хавфи пайдо бўлган ҳозирги пайтда коммунистик жамият қуриш Программасининг проекти кенг умумхалқ муҳокамасидан кейин съезд муҳокамасига қўйилганлиги ҳамма халқларни уруш бўлмини ёқувчиларнинг кирдикорларини барбод қилишга, уларни жиловлаб қўйишга ва уларнинг жаҳонда янги уруш ёнғинини ёқишларига йўл қўймасликка илҳомлантиради.

Австрия бетараф мамлакатдир, биз Австрия коммунистлари мамлакатимизнинг бетарафлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, Совет Иттифоқи халқлари билан Австрия халқи ўртасидаги дўстлик учун оғишмай курашмоқдамиз.

Биз шуни яхши биламизки, Ғарбий Германия империализмия ва милитаризми бизнинг мамлакатимизга, унинг хавфсизлиги ва мустақиллигига ҳам таҳдид солмоқда. Реакцион доиралар Австрияни Ғарбий Германия монополистлари ва реваншчиларининг агрессив мақсадларига ўёки бўлформада хизмат қилдиришга уриниб, бизнинг мамлакатимизни уларнинг ҳарбий иттифоқларига тортиш учун кўп куч сарфламоқдалар.

Ғарбий Германия милитаризмини жиловлаб қўйиш учун, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлин проблемасини бартараф қилиш учун Совет Иттифоқи олиб бораётган қаттиқ кураш бизнинг халқимиз манфаатларига ҳам мос бўлиб тушмоқда, тинчликни таъминлаш ишига ва бизнинг мамлакатимиз манфаатига ҳам хизмат қилмоқда. Австрия коммунистлари ўртоқ Хрущев бошчилигидаги Совет ҳукуматининг тинчликни таъминловчи ташаббусини бутун куч билан қувватламоқдалар.

Ўртоқ И. Коплениг КПСС XX съезди қарорларининг жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб, Албания Меҳнат партияси раҳбарлигининг ҳаракатларини қоралаб гапирди, бу ҳаракатлар XX съезд йўлига қарши қаратилган ҳаракатлар эканлигини, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигига зарар етказаётганлигини кўрсатиб ўтди.

КПСС, деди нотиқ, инсоният тарихидаги энг дадил Программани эълон қилди, оммани бу Программани амалга оширишга сафарбар қилмоқда ва руҳлантирмоқда. Бу нарса капиталистик мамлакатларда кураш олиб бораётган ҳамма коммунистлар каби Австрия коммунистларини ҳам фахрлантиради ва уларда ҳаққоний ишимиз бутун дунёда ғалаба қилади, деган ишончни мустаҳкамлайди.

Биз шуни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини табрик лаймиз, унга ва совет халқига ишчилар синфининг бахт-саодати йўлида, ҳамма мамлакатлардаги меҳнаткашлар ва халқларнинг бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатига янада муваффақиятлар тилаймиз.

* * *

Бундан олдинги кунларда бўлгани каби, бугун ҳам қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари съезднинг юксак минбарида сўзга чиққанларида Съездлар саройининг жуда катта залини қарсаклар ларзага келтирмоқда. Улуғ йиғининнинг делегатлари бу билан инсониятнинг олдинги сафида бораётган коммунистларнинг кўп миллионли армиясини табрикламоқдалар, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг мустаҳкам бирлигини намойиш қилмоқдалар.

* * *

Винница областининг Бершад районидаги Сталин номли колхоз раиси ўртоқ **В. М. Кавун** сўзга чиқиб айтдики, Ватанимиз халқининг, чет эллардаги дўстларимизнинг, ер юзидаги барча соф виждонли кишиларнинг кўзи, фикр-зикри партиямизнинг тарихий XXII съездига қаратилган, чунки бу съезд ҳозирги замоннинг энг улуғ ҳужжатини — КПССнинг янги Программасини қабул қилади.

Сталин номли колхоз дон етиштиришни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари, ердан рационал равишда фойдаланганлиги учун Н. С. Хрущев бу колхоз аъзоларини КПСС Марказий Комитети номидан қизғин табриклаганлигини ўртоқ Кавун ўз сўзида эслатиб ўтди. Артелимиз коммунистларининг, комсомолларининг, барча колхозчиларининг топшириғига биноан, деди нотиқ, партия Марказий Комитетига, унинг Президиумига ва биз қизилоқ хўжалик меҳнаткашларига оталарча ғамхўрлик қилиб эътибор бериб келаётган шахсан Сиз, азиз Никита Сергеевичга шу юксак минбардан туриб колхозчилар номидан катта раҳмат айтишга ижозат бергайсиз!

Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси, деди ўртоқ Кавун, партия кўрсатмаларига амал қилиб, ўзларининг бутун диққат ва эътиборларини дон етиштиришни кўпайтиришга қаратдилар. Бу вазифа экин майдонларининг структурасини яхшилаб, деҳқончилик маданиятининг умумий даражасини ошириш йўли билан ҳал қилинди. Дон экинлари орасида кузги бугдойга, макжажўхори ва нўхатга асосий ўрин берилди. Эндиликда бутун дон экинларя майдонининг 90 процентига мана шу уч хил экин экилмоқда.

Кейинги тўрт йил ичида бизнинг колхозимиз ерларни ёдга қурук шудгор қилиб қўйишдан воз кечиб, дон етиштиришни икки баравар кўпайтирди ва галланинг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 30 центнердан ҳосил олди. 1961 йилда бизнинг колхозимизда 3261 гектар ердаги галланинг ҳар бир гектаридан 38 центнердан дон олинди.

Бу йил нўхатнинг ялпи ҳосили 134 минг пудга етказилди, шундан 73 минг пуди давлатга сотилиб, 250 минг сўм пул олинди. Нўхат экилган ерларда экин яхши ҳазм қиладиган 50 тонна азот қолди. Бу йил маккажўхорини парвариш қилишга чинакам киришиб, унинг ҳар бир гектаридан 60 центнердан дон олдик.

Қанд лавлаги етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу йил 1135 гектар қанд лавлагининг ҳар бир гектаридан 350 центнерга яқин ҳосил олинади. Кубанликларнинг қанд лавлагини қўл механи ишлатмай парвариш қилиш тажрибасини келгуси йил биз анча кенг майдонда албатта қўллаганамиз.

Сўнгра ўртоқ Кавун дон хўжалигини, чорвачиликни ривожлантириш перспективалари ҳақида, жамоат хўжалигига капитал маблағ сарфлашни кўпайтириш тўғрисида, маданий-маиший эҳтиёжларга катта маблағлар ажратиш ҳақида батафсил гапирди.

Ҳозирги кунда биз, деди у, қишлоқнинг қиёфасини ўзгартирмоқдамиз. қишлоқда замонавий уйлар қурмоқдамиз, маданий-маиший, медицина муассасаларини қўпайтирмоқдамиз. Кейинги уч йил ичида колхоз 500 ўқувчи сиғадиган мактаб қуриб олди, 400 колхозчи оиласи билан янги уйларга кўчиб кирди. Қишлоқни шаҳар типидаги посёлкага айлантирмоқчимиз.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг партиянинг янги Программасида кўрсатиб ўтилган кенг перспективалари биз қишлоқ меҳнаткашларини янги ижодий ишлар қилишга, севикли Ватанимизнинг равнақи йўлида меҳнатда янги қаҳрамонликлар кўрсатишга руҳлантирмоқда.

Шу юксак минбарда туриб шуни айтмоқчимизки, ҳозирги кунда барча совет кишилари: жонажон партия, бизни Ленин байроғи остида коммунизм галабаси сари олга бошлаб боравер! деган сўзларни такрорламоқдалар!

Сўнгра СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Давлат тайёрлаш комитетининг раиси ўртоқ **Н. Г. Игнатов** сўзга чиқади.

XXII съезд, деди ўртоқ Игнатов, партия ва совет халқи ҳаётида гоят катта воқеадир. Бу съезд халқларнинг бутун тарихида биринчи марта энг илғор, энг адолатли коммунистик жамият қурилаётган янги даврни очиб беради. Биз шу билан фахрланамизки, партиямиз ташаббусли, лекин шунли йўлни босиб ўтиб, бутун инсониятнинг ёрқин келажаги сари йўл очган ҳолда совет кишиларини коммунизмнинг порлоқ чўққиларини қатъий эгаллашга бошлаб боради. Мана шу съезд муҳокама қилаётган ва съезсиз тасдиқлайдиган партия Программаси — барча давлрларнинг буюк хартияси бизнинг бу йўлимизни ёритиб туради.

Ўртоқ Игнатов ўз нутқида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига кўп эътибор беради. Партия. деб таъкидлайди у, 1953 йил сентябрь Пленумидан бошлаб қишлоқ хўжалигининг ялпи ҳосилини 18-19 миллиард пудга етказиш вазифаси қўйилади. Шубҳа йўқки, бу мақсадга эришмоқ учун кам ҳосилли экинларни юқори ҳосилли экинлар билан тезрок алмаштириш, ҳар гектар ердан янада оқилона фойдаланиш, дон экинларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг комплекс механизациялаштиришни таъминлаш йўлида ирода ва сабот кўрсатилади.

Колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги партия қарорларини бажариш юзасидан ҳам катта иш қилинди. Ҳозир колхоз ва совхозларнинг жамоат подаларида қорамолнинг 70 процентдан кўпроғи, шу жумладан сигирларнинг 53 проценти, чўчқаларнинг 74 проценти ва қўйларнинг 79 проценти бор. Колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ва давлатга сотишда етакчи ўринга чиқиб олдилар.

Етти йилликнинг контроль рақамларида дастлабки уч йил ичида 20 миллион 310 минг тонна гўшт харид қилиш кўзда тутилган эди. Колхоз ва совхозлар етти йиллик бошидан буён 21 миллион тонна гўшт сотдилар ва йил охиригача кўшимча равишда камида яна икки миллион тонна гўшт сотадилар.

Бутун қишлоқ хўжалиги тараққиётининг асоси бўлган дон етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида партиямиз сиёсати ленинча йўлининг тантанаси туфайли кўлга киритилди. Молотов, Каганович, Маленков, Ворошилов, Булганин, Первухин, Сабуров ва Шепиловларнинг фракциячи группаси партияни бу йўлдан оғдиришга уринди. Бу группа мана шу йўлнинг турмушга оширилишига қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Фракциячилар, деб таъкидлайди нотиқ, партия раҳбарлигини бошлиқсиз қолдирмоқчи. Президиум составини ўзгартирмоқчи, партия Марказий Комитетидаги иширинча партия раҳбарларини эгаллаб олмоқчи. уни ленинча йўлдан оғдирмоқчи. шахсга сиғиниш давридаги тартибларни қайта тикламоқчи бўлдилар. Молотов, Каганович, Маленков ва Ворошиловнинг бу жирканч ишни қилишларига ҳокимиятга интилишгина эмас, балки, шунингдек, ўзлари йўл қўйган, партиянинг кўпгина аъзолари ва партиясизларнинг бегуноҳ жабр тортишига олиб келган қонунсизлик ҳамда бебошликлар учун масъулиятдан қўрқиш ҳам сабаб бўлди.

Маълумки, деб давом қилади ўртоқ Игнатов, антипартиявий группа Марказий Комитет Президиумида сон жиҳатидан кўпчиликни уюштирганидан сўнг ўзининг партия ва мамлакат раҳбарлигини қўлга олиш планларини амалга оширишга киришди. Лекин бу группа ҳисобидан адашди, у ўзидан ташқари Марказий Комитет борлигини, Марказий Комитет аъзолари эса ўртоқ Никита Сергеевич Хрущевга чексиз ишонганликларини ва XX съезд белгилаб берган ленинча йўлни изчиллик билан амалга оширишда у билан бир сафда эканликларини унутиб қўйди.

Фракциячиларнинг ҳақиқий башарасини аниқроқ тасаввур этмоқ ва шахсга сиғинишга муккасидан кетган антипартиявий группа партиядан қанчалик ажралиб қолганлигини ҳамда ҳаттоки. Марказий Комитет аъзоларига ҳам менсимасдан қараганлигини аниқроқ тасаввур қилмоқ учун характерли бир воқеани айтиб беришга рухсат этинг.

Марказий Комитет аъзолари Марказий Комитет Пленумини чақириш зарурлиги тўғрисидаги ариза билан ўз вакилларини Президиум мажлисига юборган эдилар. Ўртоқ Игнатов мана шу аризани ўқиб беради:

«Марказий Комитет Президиумига

Биз, КПСС Марказий Комитетининг аъзоларига Марказий Комитет Президиуми ўзлуксиз мажлис қилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Сизлар Марказий Комитетга раҳбарлик ва секретариатга раҳбарлик масаласини муҳокама қилаётганлигингиз ҳам бизга маълум бўлиб қолди.

Бутун партиямиз учун муҳим бўлган бундай масалаларни Марказий Комитет Пленуми аъзоларидан яширищ мумкин эмас. Шу муносабат билан биз, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари шошилинч равишда Марказий Комитет Пленумини чақиришни ва бу масалани Пленум муҳокамасига қўйишни сўраймиз. Биз, Марказий Комитет аъзолари партиямизга раҳбарлик масаласидан четда тура олмаймиз».

Мана шу илтимос Президиумга етказилганда фракциячилар каттик шовқин кўтардилар.

Улар Марказий Комитет аъзоларига қандай жирканч гаплар айтганликларини бу юксак минбардан туриб гапиришга ўтиришга ҳожат йўқ. Бунинг сабаби нима деб сўрайсиз? Марказий Комитет аъзолари қандай қилиб уларга мурожаат қилгани жўрлат этибди? Ўртоқ Хрущев ва уни қўллаб-қувватлаган бошқа ўртоқлар Марказий Комитет аъзоларининг қабул қилинишини катъий талаб қилиб чиқишди. Ана шу пайтда сон жиҳатидан кўпчилик бўлган бу фракциячилар Марказий Комитет аъзоларини Президиум эмас, балки ўз тарафдорларидан бири — Булганин ёки Ворошилов қабул қилсин, деган таклифни киритишди. Бу группанинг кимгир максадини тушунган Никита Сергеевич Хрущев Марказий Комитет аъзолари билан учрашув учун ўзи ҳам боришини айтди ва ўз сўзида қаттик туриб олди. Партиямиз тақдири учун бу жуда катта бахт эди!

Н. С. Хрущев. Улар мени Марказий Комитет аъзолари билан учрашиш имкониятидан маҳрум қилмоқчи бўлдилар ва учрашиш учун Ворошиловни ажратдилар. **Мен** бундай дедим: Пленум мени Марказий Комитетнинг биринчи секретари қилиб сайлаган ва Коммунистик партия Марказий Комитетининг аъзолари билан учрашиш ҳуқукидан ҳеч ким мени маҳрум қила олмайди. **(Гулдурос қарсаклар).** Мени Марказий Комитет Пленуми сайлаб қўйган, шунинг учун қарорни унинг ўзи қабул қилиши керак. Марказий Комитет Пленуми қандай қарор чиқарса, шундай бўлади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Н. Г. Игнатов. Шундан кейин Президиум Хрущев, ва Микоян ўртоқларни, шунингдек Ворошилов ва Булганинни Марказий Комитет аъзолари билан учрашишга вакил қилди.

Н. С. Хрущев. Кўриб турибсизки, икки киши — икки киши. **(Залда жонланиш).**

Пленумда, деб давом қилади ўртоқ Игнатов, антипартиявий группа катнашчилари Марказий Комитетнинг гош-метинден монолит мустаҳкамлигига дуч келдилар. Пленум ўртоқ Хрущевни унинг ленинча йўлни ўтказиш учун принципиал курашида яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигини кўрғач, улар кўрка-писа тавба қилишга ўтдилар, лекин уларга ишониб бўлмас эди. Улар Пленумга қадар, Пленумда ва Пленумдан кейин риёкорлик қилдилар. Мен, деб давом килади нотиқ, XXII съезд делегатларининг шу минбардан туриб Молотов, Каганович, Маленковни партиядан ўчириш ҳақида қилган таклифларини қувватлайман.

Партиямиз сиёсатининг XX съезд белгилаб берган ленинча йўли, дейди ўртоқ Игнатов, барча мамлакатлардаги қардош коммунистик партиялар томонидан қўллаб-қувватланди. Лекин Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг барча масалалари бўйича партиямиз сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашларини айтганларида самимий бўлмаганликлари ҳозир маълум бўлиб қолди. Албания раҳбарлари кейинги пайтларда сиёсий йўлни кескин ўзгартирдилар. КПСС XX съезди қарорларига қарши курашга бошладилар, бизнинг партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига ҳужум қила бошладилар, бошқа Коммунистик партияларга ҳам бўҳтон қилишга ўтдилар. Съездимиз делегатлари ва қардош партияларнинг вакиллари бу ерда Албания раҳбарлари бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг энг муҳим замонавий масалалар бўйича келишилган умумий йўлидан четга чиқаётганликлари ҳақида жуда тўғри гапирдилар.

Бизнинг партиямиз, деди нотиқ, бундан кейин ҳам ленинча йўлга қаттиқ амал қилади, марксизм-ленинизмнинг голиб байроғини баланд кўтариб боради. Бизнинг партиямиз мана шу байрок остида совет халқини коммунизмнинг тўла тантанаси сари ишончи билан олга бошлаб боради. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси бу йўлда бизга компас бўлади.

СССР мудофаа министри ўртоқ **Р. Я. Малиновский** минбарга чиқади. Коммунистик партиянинг XXII съезди, деди у, совет халқининг каҳрамонона тарихида чинакам буюк воқеа бўлди. Съезд Ватанимизнинг келажагини, бутун инсониятнинг келажагини ёрқин қуёш сингари неча-неча ўн йилликлар мобайнида ёритиб туради.

Қуролли Кучларнинг коммунистлари, барча жангчилар бутун совет халқи билан бирга партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини, янги Программа проектида партия чизиб берган энг ёрқин ва энг адолатли коммунистик жамият қуриш режаларини батамом маъқуллайдилар.

Кейинги ўн йилликлар тарихи, деб давом килади ўртоқ Малиновский, нураб бораётган капиталистик тузум ҳалокатга маҳкум эканлиги ва бу ҳалокат муқаррар эканлиги тўғрисидаги марксизм-ленинизмнинг хулосасини яққол исботлади. Бирок. умри тугаб қолган капитализм ўлим талвасасида инсониятга дахшатли кулфатлар келтириш билан таҳдид қилмоқда. Империалистик давлатлар Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга қуролли хужум қилишдан иборат аҳмақона планлар тайёрламоқдалар. Улар, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифларини турли риёкорона баҳоналар билан рад этмоқдалар ва ўз қуролли кучларининг қудратини тўхтовсиз оширмоқдалар.

Хозир урушнинг фатал суратда муқаррарлиги бўлмаса ҳам, империализм бор экан, уруш хавфи сақланиб қолади. Империалистлар ана ҳозирги шароитда ҳарбий қурилишнинг йўналиши белгилаб берилган эди. Шунингдек, бу нуктада ҳозирги замон урушининг ҳарактери чуқур таҳлил қилиб берилган ва бу анализ совет ҳарбий доктринасига асос бўлган эди. Ушбу доктринадаги муҳим қоидалардан бири шундан иборатки, мабодо империалистик агрессорлар жаҳон урушини бошлаб юборгудек бўлсалар, бу уруш муқаррар равишда ракета-ядро уруши тусини олади, яъни, бунда зарба беришнинг асосий воситаси ядро қуроли, уни мўлжалга етказувчи асосий восита эса ракета бўлади.

Келгусидаги урушда ракета-ядро қуроли ҳал қилувчи ўринда туришига қарамай, дейди министр, ҳар ҳолда биз агрессор устидан қозониладиган узил-кесил галабага қуролли кучлар барча турларининг биргаликда ҳаракат қилиши натижасидагина эришилади, деган хулосага келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам биз қуролнинг барча турларини мукаммаллаштиришга лозим даражада эътибор бермоқдамиз. кўшинларни бу қуролларни мохирона эгаллашга ва агрессор устидан қатъий галаба қозонишга ўргатмоқдамиз. Совет ҳарбий доктринаси душманнинг кўкиссан киладиган ҳужумини муносиб тарзда қайтаришга ва унинг жинояткорона максадларини барбод қилишга ҳамиша тайёр туриш — қуролли кучлар олдидаги энг муҳим, энг асосий ва биринчи даражали вазифадир, деб хисоблайди.

Бизнинг мамлакатимиз улуғ ва бепоёндир. Капиталистик мамлакатларга қараганда бизнинг мамлакатимизга зғрар етказиш қийинроқ, лекин бу уруш биз учун гоятда оғир уруш бўлиши мумкинлигини яхши биламиз. Биз шунга чуқур аминмизки, мабодо империалистлар бизга қарши уруш бошлаб юборгудек бўлсалар, бу урушда социалистик лагерь галаба қозонади, капитализм эса, абадий тугатилади.

Министр партия XX съездидан кейин ўтган давр армиямиз ва флотимизнинг ривожи ва куч тўплашида бурилиш босқичи бўлганлигини съездга хабар қилади. Қуролли Кучларнинг янги тури — стратегик мақсадга мўлжалланган ракета қўшинлари ташкил этилди. Бу қўшинлар ҳозирнинг ўзидаёқ агрессорни ва унинг мамлакатини ер билан яксон қила оладиган миқдорда учирадиган установкаларга, ракеталарга ва шуларга тегишли зарядларга эга.

Бизнинг қуруқликдаги қўшинларимиз, ҳарбий-ҳаво кучларимиз, ҳарбий-денгиз флотимиз ва ҳарбий-транспорт авиациямиз ўзининг техника билан қуролланиш жиҳатидан батамом замонавий тус олди.

Ракета қуроли ишлаб чиқариш ҳажми кейинги йилларда шунчалик ошдики, деб кўрсатади Р. Я. Малиновский, биз турли типдаги ва турли мақсадларга мўлжалланган ракеталар билан тўла ва кўл даражада ортиқ таъминланганмиз. Бизнинг ракета қўшинларимиз тўла-тўкис юксак жанговар тайёргарлик ҳолатида турибди. улар мунтазам равишда жанговар навбатчиликда турибдилар ва ўз зиммаларига юкланадиган вазифаларни муваффақият билан бажаришга қодирдирлар.

Ракета қўшинларининг жангчилари ўз вазифаларини ва Ватан олдидаги буюк масъулиятларини тўғри тушунадилар. Ҳозирги вақтда ракета қўшинларида 1800 га яқин аъзоли бўлинма бор, булар эса, ўз ишининг зўр моҳирлари. ер қурраснинг исталган нуқтасини аниқ мўлжалга олиб оладиган ўсталардир.

Сўнгра мудофаа министри қуруқликдаги замонавий қўшинларни, уларнинг жанговарлик имкониятларини таърифлаб беради. Бизнинг мото-ўқчи дивизиямиз, деб таъкидлайди у, шахсий составининг миқдори жиҳатидан ўтган урушнинг охиридаги шундай дивизиянга қараганда анча кичикдир. Лекин бунинг эвазига, унинг бир йўла ўқ узиш салмоғи, ракета қуролини ҳисобламаганда, тўрт ҳиссадан кўпроқ ошди. Танкларни оладиган бўлсак, улар бизнинг ҳозирги замон мото-ўқчи ва танк дивизияларимизда Улуғ Ватан уруши давридаги механизациялашган ва танк корпусларидагидан ёки НАТО га қатнашувчи ҳар қандай мамлакатнинг ҳудди шундай дивизияларидагидан кўпдир.

Ҳаво-десант қўшинлари катта муваффақиятларга эришди, Ҳаво мудофааси қўшинларининг қуролланиши ва ташкил этилиши тубдан ўзгарди. Эндиликда ҳаво мудофааси, биринчи навбатда, янги қирувчи самолётлар билан ҳамкорликда ҳаракат қиладиган зенит ракета қўшинларининг қудратига асосланган. Шуни алоҳида хабар қилишим керакки, деди ўртоқ Малиновский, ракеталарни учиб кетаётганида махв қилиш проблемаси

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ДЕГАН ФАХРИЙ УНВОН БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўн ва ундан ортиқ бола туққан ва тарбиялаган қуйидаги оналарга **«Қаҳрамон она»** деган фахрий унвон берилсин ва уларга **«Қаҳрамон она»** ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Ёрлиғи берилсин:

АНДИЖОН ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

1. **Абдураззоқова** Шарофат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Сталин районидаги Тожикқишлоқ қишлоғи.
2. **Абдураҳимова** Бурозия — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Избоскан районидаги Шермат обод қишлоғи.
3. **Азимова Тошхон** — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Избоскан районидаги Луғумбек қишлоғи.
4. **Бобоева** Зайнабби — Чуст районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
5. **Болтабоева** Орзихон — Жалақудук районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
6. **Қодирова** Йўлдошхон — Холдевонбек районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
7. **Қосимова** Момохон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Андижон шаҳри.
8. **Қаюмова** Санталат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
9. **Маллабоева** Қундузхон — Ленин районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.
10. **Маматова** Ominaxon — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Марҳамат районидаги Шукурмерган қишлоғи.
11. **Масодиқова** Ҳалима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Уйчи районидаги Кизилровот қишлоғи.
12. **Мирзаева** Инобатхон — Холдевонбек районидаги Охунбоев номли колхоз аъзоси.
13. **Набижонова** Сажирахон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
14. **Носирова** Атияхон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
15. **Нуриддинова** Меҳриниса — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Андижон районидаги Хартум қишлоғи.
16. **Парпибоева** Офтобхон —уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
17. **Саидова** Маъмура — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
18. **Сотиболдиева** Тўхтаби —уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Наманган шаҳри.
19. **Тўхтабоева** Ўғилхон — Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз аъзоси.
20. **Убайдуллаева** Саодатхон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Косонсой районидаги Қўқимбой посёлкаси.
21. **Холиқшоева** Роҳила — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Уйчи районидаги Ўнҳаёт қишлоғи.
22. **Халилова** Иноятхон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Пахтаобод районидаги Қўқонқишлоқ қишлоғи.

БУХОРО ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

23. **Маърупова** Зулайхо — Вобкент районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
24. **Маърупова** Саломат— Ғиждувон районидаги «Зарафшон» колхозининг аъзоси.
25. **Расулова** Раҳима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Когон районидаги Муборак посёлкаси.
26. **Собирова** Муҳайё — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Шофирком районидаги Денов қишлоғи.
27. **Тангриева** Чинни — Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси.
28. **Файзиева** Бахмал — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Бухоро шаҳри.
29. **Холова** Муборак — Бухоро районидаги Сталин номли колхоз аъзоси.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

30. **Алибекова** Зулайхо — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ғаллаорол районидаги Сайфин қишлоғи.
31. **Олламуродова** Ойсафар — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ғаллаорол районидаги Дўэл қишлоғи.
32. **Ашурова** Хосият — Ургут районидаги Киров номли колхоз аъзоси.
33. **Бекназарова** Яхшигул — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Булунғур районидаги Бешбола қишлоғи.
34. **Бўронова** Ҳикмат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Жиззах шаҳри.
35. **Бурҳонова** Байна — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Зомин районидаги Боғишамол қишлоғи.
36. **Ғойибова** Жумагул — Каттақўрғон районидаги Хрушчев номли колхоз аъзоси.
37. **Давронова** Ўғилой — Фориш районидаги «Фориш» совхозининг ишчиси.
38. **Жониева** Турғон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Иштихон районидаги Зарбанд қишлоғи.
39. **Жўраева** Ортиқжон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Зомин районидаги Обручево посёлкаси.
40. **Жўраева** Сарвар — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Самарқанд шаҳри.
41. **Зокирова** Тоғайгул — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Нурота районидаги Ғозғон қишлоғи.
42. **Мирзаева** Офтоб — Пастдарғом районидаги «Москва» колхозининг аъзоси.
43. **Мухторова** Хосият — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Самарқанд шаҳри.
44. **Розиқова** Хосият — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Самарқанд районидаги Боғимайдон қишлоғи.
45. **Ўсарова** Янгиш — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ғаллаорол районидаги Уйлиқма қишлоғи.
46. **Фозилова** Оймома — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Нурота районидаги Чуя қишлоғи.
47. **Хатамова** Муҳтарам — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Самарқанд шаҳри.
48. **Худойбердиева** Баҳри — Жиззах районидаги «Москва» колхозининг аъзоси.
49. **Хўжамова** Ойтўти — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Иштихон районидаги Аргаван қишлоғи.
50. **Шарипова** Мусаллам — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Самарқанд шаҳри.
51. **Йўлдошева** Ҳикмат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Нурота районидаги Нурота посёлкаси.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

52. **Бойбўриева** Мактаб — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Бойсун районидаги Инкобод қишлоғи.
53. **Бойматова** Гулбаҳор — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Косон районидаги Олачабоб посёлкаси.
54. **Ғуломова** Кимё—Китоб районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.
55. **Каримова** Робия — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Шаҳрисабз районидаги Қутчи қишлоғи.
56. **Қудратова** Шарофат — Косон районидаги Хрушчев номли совхоз ишчиси.
57. **Назарова** Икром — Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ишчиси.
58. **Равшанова** Парда—Қамаши районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.
59. **Раупова** Сарвар— уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Қарши районидаги Ленин номли посёлка.
60. **Раҳматова** Назира — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Ғузор районидаги Чақар қишлоғи.
61. **Раҳматуллаева** Ихлим —Қамаши районидаги «Кўкбулоқ» совхозининг ходими.
62. **Сафиева** Ражаб — Шеробод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.
63. **Сиддиқова** Буви — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Косон районидаги Карракли қишлоғи.
64. **Туробова** Сулув — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Бойсун районидаги Пулҳаким қишлоғи.
65. **Тўраева** Мусаллам — Шаҳрисабз районидаги Сталин номли колхоз аъзоси.
66. **Улуғмуродова** Хосият — Чироқчи районидаги Охунбобоев номли совхоз ишчиси.
67. **Ҳамдамова** Сандбиби — Сариосиё районидаги Сталин номли колхоз аъзоси.
68. **Холмўминова** Зумрад — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Шеробод районидаги Бешқўтон қишлоғи.
69. **Чувирова** Наталья Степановна — Қарши станциясидаги 12-мактаб ишчиси.
70. **Шоимова** Норбиби— уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Сариосиё районидаги Сариосиё қишлоғи.
71. **Шарипова** Мухаррам — Қамаши районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.
72. **Шарипова** Хурсанд — Қамаши районидаги К. Маркс номли совхоз ишчиси.
73. **Ёқубова** Қурбон—уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Косон районидаги Оқтепа қишлоғи.
74. **Ёқубова** Нусрат — Қарши районидаги К. Маркс номли колхоз аъзоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

75. **Абдуллаева** Раҳима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
76. **Алимухамедова** Баҳри —уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
77. **Аъзамова** Ҳадича — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
78. **Аҳмедова** Назира — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
79. **Валиева** Қумри — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
80. **Заирова** Ҳалима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
81. **Ибодова** Ҳолбуви — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
82. **Иброҳимова** Файзи—уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
83. **Исроилова** Назира — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Янгийўл районидаги Зангиота қишлоғи.
84. **Исроилова** Нусрат — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
85. **Эшонхўжаева** Ўктам — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
86. **Қурбонова** Рухи — Янгийўл районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг аъзоси.
87. **Қурбонова** Фотима — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
88. **Мақсудова** Хадича — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
89. **Миромонова** Зайнаб — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
90. **Муҳиддинова** Хайринисо — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
91. **Нурмуҳамедова** Муборак — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
92. **Сандумарова** Ўғилой — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
93. **Салимова** Бадира — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
94. **Тўраева** Муаттар — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
95. **Турсунова** Хури — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
96. **Ўзбоева** Хамро — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Тошкент шаҳри.
97. **Ҳолматова** Роҳат — Юқори Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси.
98. **Йўлдошева** Маҳбуба — Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг аъзоси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

99. **Абдураззоқова** Ҳидоят — Қува районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

100. **Аллоқова** Гулжон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Урганч районидаги Мерган қишлоғи.
101. **Жуманиёзова** Бекажон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Хева шаҳри.
102. **Қаландарова** Раҳима — Хазорасп районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоси.
103. **Собирова** Ҳаво — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Урганч районидаги Гулистон қишлоғи.
104. **Ҳўжаева** Бека — Қўшкўпир районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БЎЙИЧА

105. **Ешмуродова** Тозагул — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Кўнғирот районидаги Кўнғирот посёлкаси.
106. **Матчонова** Гулжон —Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзоси.
107. **Темирхонова** Қаллихон — уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи, Кўнғирот районидаги Кўнғирот посёлкаси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1961 йил 20 октябрь.

Ҳанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг бориши тўғрисида 1961 йил 24 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	
Самарқанд	1,57	84,76	44,83	94,80
Хоразм	1,68	81,48	18,18	38,58
Тошкент	1,29	77,35	48,63	85,44
Андижон	0,41	75,18	36,30	94,99
Сурхондарё	0,88	72,03	47,96	85,32
Бухоро	0,84	67,07	17,88	57,56
Қорақалпоғистон АССР	1,27	62,48	20,31	34,94
Фарғона	0,78	61,66	9,69	64,17

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Туғилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан ва партия органларида кўп йиллардан буён самарали ишлаб келаётганлиги учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудирининг ўринбосари Анастасия Ивановна **Осипова** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

БУГУН СЪЕЗДДА

Партиям — бу менинг ҳаётбахш ғоям,
Кўкарар меҳри-ла ҳар бир тирик жон.
У берган ҳаётда, у қўйган отда
Муҳтарам бўлди ҳар заҳматкаш инсон,
Партиям — бу ёркин кулар мазмуни,
Қуёш ёриқлиги унинг мисоли.
Партиям яратган ҳаёт қонуни,
Бу — инсон қадри-ю, эрки, иқболи.
Янги бир оламнинг одами бўлиб,
Ғалаба байроғин тик тутаолдик.
Қарамлик, муҳтожлик томирин юлиб,
Жаҳоннинг орзуси биз бўлиб қолдик.
Партиям изида ленинизмнинг
Бирлик ғояси-ю, шуури яшар.
Жаҳон истиқболи — коммунизмнинг
Ҳаётбахш баҳорин кўрмоқда башар.
Советлар элининг номи, шуҳрати,
Партиям туфайли бўлди улуғвор.
Бугун яна ошиб унинг қудрати,
Фазога йўл олди у мардонавор.
Партиям минбарда, бугун съездда,
Эшитилар жаҳонга мағрур овози.
Бу съезд Ленининг орзусин кўзлар,
Бошланар юртимда коммуна ёзи.
Партиям — бу менинг ҳаётбахш ғоям,
Кўкарар меҳри-ла ҳар бир тирик жон.
У берган ҳаётда, у қўйган отда,
Муҳтарам бўлмоқда меҳнаткаш инсон.

Ўткир РАШИД.

БИНОКОРЛАР СЎЗИ

Партия съездининг иши бошланганига бағишлаб, уй қуриш комбинати бош корпуси олдидаги майдонда коллективнинг кўп минг кишилик митинги бўлди. Митингни партия бюросининг секретари Р. Юнусов очди. У, йирик панель блоклар тайёрловчи республикадаги энг катта корхонанинг ишчи ва хизматчилари съезд олди ҳужжатларини зўр активлик билан муҳокама қилганликлари тўғрисида гапирди. Замонамизнинг энг буюк ҳужжати бўлган КПСС Программасининг проекти коллектив ўртасида меҳнат ғайратини янада оширибюборди. Уй қурувчилар ўн йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариб, бу йил Тошкент аҳолисига икки мингдан ортиқ шинам ва қулай квартира бердилар.

Бетончилардан Б. Абдужаббаров, Л. Щерстюк, М. Сигбатуллин ўз ҳутқларида коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшамиз, дедилар.

...Бунинг устига уларнинг бири боғдан келса, бири тоғдан келади. Агар танқидчиларининг бир қисми: «Программани бажариб бўлмайди», деб бақирса, иккинчи қисми аксинча: «Бу беллашишга чақириш! Вой дод, қочиб—қол!» деб дод солади. Француз газетаси «Фигаро»нинг даъвосича, янги совет планлари «ҳавойи қўрғонлар» эмиш, Австрия «Дас клейне фолькеблат» газетаси эса Ғарбни «Кремль ўз олдига қўйган гигант мақсадларни фақат ҳавойи қўрғонлар деб билиш ярамайди, чунки бу мақсадлар, сўзнинг асл маъноси билан айтганда, Ғарбни беллашишга чақиради» деб огоҳлантиради. Шундан кейин: кимнинг қўлидан келса тушуниб олаверсин! дейишдан бошқа иложимиз қолмайди. Ҳаммага кўриниб турибдики, бу танқидчилар уч қайин орасида эмас, балки ҳатто икки қайин орасида ҳам адашиб қолишибди!

(КПСС XXII съездида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг партия Программаси проекти тўғрисидаги докладидан).

БИРИ БОҒДАН КЕЛСА, БИРИ — ТОҒДАН.



Г. Колчинский чизган расм.

ҚАЛБ АМРИ

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз бригадаларида КПССянинг Москвада очилган XXII съездига бағишланган йиғилишлар ўтказилди.

Иккинчи бригададаги пахтакорлар ва механизаторларнинг йиғилишида колхоз партия ташкилотининг секретари Ғулом Каримов сўзга чиқди.

Бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева сўз олди.

— Биз, деди зўр ифтихор билан у, коммунизм йўлидан олға бормоқдамиз. Биз бутун куч ва маҳоратимизни колхоз далаларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиштириб олиш йўлидаги курашга сарф қиламиз.

ТАСС АХБОРОТИ

Шу йил 22 октябрда кўп босқичли учирувчи ракета Тинч океаннинг марказий қисмидаги районга яна учирилди.

Ракета охирги босқичидан аввалги босқичнинг макети 12.000 километрдан кўпроқ йўл босиб, мўлжалланган нуқтага жуда аниқ бориб тушди.

Ракетанинг ҳамма системалари ва ўлчов асбоблари яхши ишлаб турди.

ТАССнинг шу йил 14 октябрь ахборотига мувофиқ, илгари эълон қилинган районга учирувчи ракеталарни учириш давом эттирилади.

ЖОНАЖОН ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

МИРЗАЧЎЛДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Кеча редакцияга яна бир хуш хабар келди. Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари КПСС XXII съезди давом этиб турган шу кувончли кунларда пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари ҳақида она-Ватанга рапорт бердилар. Бу — Мирзачўл ерларидан олинган биринчи ғалаба рапортидир. Колхозчилар 23 октябргача давлатга 6515 тонна «оқ олтин» сотдилар. 2375 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 27,5 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди.

Далаларда териб олинмаган ҳосил ҳали анча бор. Колхозчилар планга қўшимча равишда 500 тонна пахта топширишга, бу мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунигача бажаришга, шудгорлашни 5 декабргача тугаллашга, 1962 йил ҳосили учун пухта замин ҳозирлаб қўйишга ваъда қилдилар.

4.230 ТОННА «ОҚ ОЛТИН»

Каттақўрғон районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, мамлакатга ҳар йилдагидан ҳам кўп пахта етказиб бериш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни ошириббажардилар. Ҳар гектар ердан 29,3 центнердан ҳосил йиғиб олинди ва давлатга 4.230 тонна «оқ олтин» сотилди. 14 бригаданинг ҳаммаси пахта тайёрлаш планини, 10 бригада эса, мажбуриятини ошиғи билан адо этди.

Колхозда пахтани машинада териш яхши уюштирилди. 700 гектар майдондаги пахта машинада териб олинди.

Йиғим-терим қизғин давом эттирилмоқда. Колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан яна 6 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш учун курашмоқда.

З. ЭШҚУВВАТОВ,
Р. САТТОРОВ.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Республикамиз маҳаллий саноат корхоналарининг «ўпмининг кишилик коллективи КПСС XXII съезди ишлаб турган тарихий кунларда меҳнатда ажойиб ғалабани қўлга киритди. Олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилиш натижасида 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи муддатидан анча илгари— 19 октябрда адо этилди.

Ҳозиргача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 процент кўп халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий саноат ходимлари ой охиригача пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олиб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар.

УМУМХАЛҚ ИШИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Шонли КПССнинг XXII съезди ўз ишини давом эттираётган кунларда районимиз меҳнаткашлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Районда пахта тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари, 22 октябрда бажарилди.

Районда пахта териш машиналаридан унумли фойдаланишга ҳамда ҳосилни қоп-қанорсиз ташишга катта эътибор қилинди. Терим машиналарининг бункеридан 5220 тонна «оқ олтин» тўкилди. Тайёрлаш пунктига 7905 тонна пахта қоп-қанорсиз етказиб берилди.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари бу йил давлатга топширилган пахтанинг сифатли бўлиши учун айниқса қатъий кураш олиб бордилар. Қимматли хом ашё бўлган пахтанинг ифлосланишига сира йўл қўйилмади. Шунинг учун ҳам давлат омборига топширилган «оқ олтин»нинг 98 процента биринчи сортга қабул қилинди.

Димитров номли тажриба-намуна хўжалиги мўл ҳосил етиштиришда ва уни йиғиб-териб олишда бошқа хўжаликларга ўнақа бўлди. Бу колхоз ҳар гектар ердан ҳозиргача 35 центнердан пахта йиғиб-териб олди ва йиллик планни 143,1 процент, социалистик мажбуриятни эса 107 процент бажарди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коммунист Мустафо Чачи бошлиқ бўлими коллективи пахта тайёрлаш йиллик планини 102,3 процент адо этди. Бу бўлим 672 гектар ердан давлатга 2150 тонна «оқ олтин» топширди. Шунингдек «Коммунизм» совхози ҳам планни бажарди, мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Бу йил ҳам комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадалари ҳосилдорликни оширишда пешқадам бўлмоқдалар. Димитров номли колхознинг Юсуп Жонзоқов, Семен Муи, Илаш Эргашев, Валентин Ким, Сеит Бойкизилов ўртоқлар бошлик ва бошқа бригадалар гектаридан 36-40 центнердан пахта йиғиб-териб олдилар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Искандар Катаман, Мугазис Куку, Ридвон Давлетов, Красин номли колхоздан Абдулхай Муҳаммаджонов, «Коммунизм» колхозидан Ю. Қўшоқов, Т. Қувонов, Н. Абдалиев ўрточлар бошчиларининг бригадалар ва бошқа кўпгина бригадалар ҳам КПСС XXII съездини йиллик планни анча ошириб бажариш билан кутиб олдилар ва съездга муносиб совға тайёрладилар.

Илғор механик-ҳайдовчилар ҳосилни машина билан йиғиб-териб олишда ажойиб натижаларга эришдилар. Улар ҳар куни машина бункеридан ўртача 4-5 тоннадан пахта тўкиб, 118-150 тоннадан пахта тердилар. Бундай механизаторлар орасида 151 тонна пахта терган Абдуғаффор Ғаффоров, 158 тонна «оқ олтин» теришга муваффақ бўлган Сервер Женалиев, машина бункеридан 145 тонна пахта тўккан Эбазар Чобонов ўртоқлар бор. Кўпгина механик-ҳайдовчилар ҳозирнинг ўзидаёқ мавсум нормасини бажариб қўйдилар.

Етиштирилган ҳосилни тез суръатлар билан йиғиб-териб олиш ва давлат омборига топшириш учун курашда кўпмингкилограммчилар ҳаракати муҳим роль ўйнади. Кўпмингкилограммчилар ҳар бир соатдан унумли фойдаланиш намуналарини кўрсатдилар. Хамза Холпетова, Садира Жамилаева, Каромат Мирзахўжаева, Ҳалима Бурхонова, Фотима Аметчик ва бошқа чевар теримчилар 10-15 тоннадан пахта териб, районда донг чиқардилар. Район саноат корхоналарининг ишчи ва хизматчилари ҳам ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларга катта ёрдам кўрсатдилар.

Районимизда пахтадан ташқари каноп пояси ҳам етиштирилади. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу соҳада ҳам ажойиб ғалабага эришдилар. Район лубкорлари шу кунгача давлатга 111 минг тонна каноп пояси топширди, йиллик планни 123 процент бажардилар.

Район бўйича ҳар гектар ердан ўртача 100 центнердан каноп пояси олинди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан гектарига 7 центнер кўпдир. Ленин номли, Сталин номли, Энгельс номли колхозлар каноп пояси топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Кўпгина бригадалар ҳар гектар ердан 200 центнердан ортиқ ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Район колхоз ва совхозлари бу йил маккажўхори етиштиришга алоҳида эътибор билан қарадилар. Маълумки чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантирмай туриб чорва маҳсулотларини мўл қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам маккажўхори майдонлари кенгайтирилди, экин яхши парвариш қилинди ва мўл ҳосил етиштирилди. Шу туфайли район бўйича 40 минг 422 тонна силос бостирилди. Бу ҳар бир сигирга 15 тоннадан тўғри келади.

Район меҳнаткашлари давлатга бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам муддатидан илгари адо этдилар. Пилла тайёрлаш йиллик плани 100,3 процент, гўшт тайёрлаш плани 102,3 процент, тухум тайёрлаш плани 108,5 процент, жун тайёрлаш плани 112,2 процент бажарилди. Давлатга 5017,5 тонна узум сотилди.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етиштирилган пахта ҳосилини Улуғ Октябрнинг 44 йиллиги кунигача батамом йиғиб-териб олиб социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга, давлатга ҳаммаси бўлиб 115 минг тонна каноп пояси, 950 тонна каноп уруғи сотишга аҳд қилдилар.

Район пахтакорлари, лубкорлари, чорвадорлари КПСС XXII съезди ишини зўр қизиқиш билан кузатиб бормоқдалар. Партия Программасидаги улуғвор режалар ҳар бир колхозчини, совхоз ишчисини, зиёлини янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда. Район хўжаликлари давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан олган мажбуриятларини тезроқ бажариш учун курашаётирлар. Шу билан бирга совхоз ва колхозларда келгуси йил мўл ҳосилни учун замин яратиш ишлари кундан кунга кучайтирилмоқда. Ҳайдов тракторлари ишга солинди. Экилардан бўшаган ерлар шудгор қилинмоқда. Хозирнинг ўзидаёқ 6991 гектар ер ҳайдаб қўйилди. Пахтакорлар ва механизаторлар етиштирилган бутун ҳосилни сўнгги граммигача териб олиб, ерларни шудгорлашни 20 ноябргача тугаллашга аҳд қилдилар.

Район меҳнаткашлари мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл қилиш учун курашга ўз ҳиссаларини қўшадилар, жонажон партиямизнинг Программасини амалга ошириш учун янада зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қиладилар.

И. СОТИБОЛДИЕВ,
Ўзбекистон КП Қуйи Чирчиқ район комитетининг секретари.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри
Р. 01770. Нашр. В. 251.